

## Ҳаж хутбаси бир вақтнинг ўзида ўн тўрт тилга таржима қилинади



13:57 / 15.06.2023 1579

Макканинг Арафот минтақасидаги Намира масжидида ҳар йили ўтказиладиган «Ҳаж хутбаси»ни таржима қилиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ҳақда [theislamicinformation.com](http://theislamicinformation.com) манбаси хабар берди.

Миллионлаб мусулмонлар ҳар йили Ҳаж хутбасини тинглашади, чунки Ҳаж мусулмонлар учун улуғ ибодат ҳисобланади.

Икки Муқаддас Масжид раислиги йиллар давомида Арафот хутбасини турли тилларга таржима қилиб, мўмин-мусулмонларга тақдим этмоқда.

Бу йил ҳам Ҳаж хутбаси бир вақтнинг ўзида дунёнинг 14 тилига таржима қилиниб, тақдим этиб борилади.

*инглизча*

*французча*

*малай*

*урду*

*форсча*

*русча*

*хитойча*

*бенгал*

*туркча*

*ҳауса*

*испанча*

*ҳинд*

*тамил*

*суаҳили*